



Қорақўлчилик чўл
экологияси
илмий-тадқиқот
институтини

Ботир Бекчанов Яйловлар
мониторинги
бўлимимудири,
қ.х.ф.н., к.и.х.
E-mail: uzkarakul30@mail.ru

ЧЎЛ-ЯЙЛОВЛАРДАН ОҚИЛАНА ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ
МЕТОДЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПУСТЫННЫХ ПАСТБИЩ
METHODS OF REASONABLE USE OF DESERT PASTURES

*Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтини, Самарқанд ш.
Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, г. Самарканд
Research Institute of Karakul and Desert Ecology, Samakand.*

Аннотация. Мақолада чўл-яйловларидан оқилана фойдаланишининг аҳамияти, шuvoқ-эфемерли яйловларда икки яйловли алмашлаб фойдаланиши ва қумли чўл яйловларда тўрт яйловли алмашлаб фойдаланиши усуллари ҳақида баён қилинган. Қумли яйловлардан самарали фойдаланиши тизими 4- яйловли алмашлаб фойдаланишига асосланган бўлиб, биринчи 2 йил мабойнида 1-инчи яйлов участкасидан фақат баҳор мавсумида фойдаланилади, 2-инчи яйлов участкасидан фақат ёз мавсумида, 3-инчи яйлов участкасидан-куз мавсумида, 4-инчи яйлов участкасидан эса қиш мавсумида фойдаланиши тавсия этилган.

Аннотация. В статье описывается важность рационального использования пустынно-пастбищных угодий, методы двух пастбищного севооборота на полынно-эфемерных пастбищах и четырёх пастбищного севооборота на песчаных пустынных пастбищах. Система эффективного использования песчаных пастбищ основана на чередовании 4-х пастбищ, в течение первых 2-х лет рекомендуется использовать 1-й пастбищный участок только в весенний сезон, 2-й пастбищный участок только в летний сезон, 3-й пастбищный участок - в осенний сезон, а 4-й пастбищный участок - в зимний сезон.

Abstract. The article describes the importance of judicious use of desert pastures, the methods of alternating use of two pastures in ephemeral meadows and four-pasture alternation of sandy desert pastures. The system of efficient use of sandy pastures is based on the alternation of 4 pastures, during the first 2 years it is recommended to use the 1st pasture plot only in the spring season, the 2nd pasture plot only in the summer season, the 3rd pasture plot in the autumn season, and the 4th pasture plot in the winter season.

Калит сўзлар: бута, яримбута, чўл, яйлов, озуқа, услублар, инқроз, иқлим, оптимал меъёр, шuvoқли-эфемерлар, қумли яйловлар, деградация, қўй сизими.

Ключевые слова: кустарник, полукустарник, пустыня, пастбище, питание, метод, кризис, климат, оптимальный стандарт, полыни-эфемеры, песчаные пастбища, деградация, овцеводство.

Key words: bush, semi-shrub, desert, pasture, food, styles, crisis, climate, optimal standard, wormwood-ephemerals, sandy pastures, degradation, sheep capacity.

Кириш. Мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда яйлов чорвачилиги соҳаси муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Соҳанинг асосий озуқа манбаи ҳисобланган чўл ва ярим чўл яйловларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари соҳани барқарор ривожлантириш имконини бермай келмоқда. Глобал иқлим ўзгариши, қурғоқчил йилларнинг тез-тез такрорланиб келаётганлиги, яйловлардан узоқ йиллар давомида тизимсиз фойдаланиб келинаётганлиги, чўл-яйлов экотизимларига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Натижада ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон чўл яйловларининг 47 фоизида турли даражадаги яйлов инкирози кузатилиб, қимматли озуқабоп турлар сонининг маълум даражада камайиши, яйлов озуқаси сифатининг пасайиши ва кам ҳосилли яйлов майдонларининг кенгайиб бориши ҳолатини юзага келтириб, чорвачилик соҳасининг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсирини ўтказмоқда.

Ушбу юқорида қайт этилган муоммаларни ечимларидан бири бу яйловлардан алмашлаб фойдаланиш усулларида фойдаланиш зарур.

Коракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан кўп йиллардан буён илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, чўл яйловлардан алмашлаб фойдаланиш услублари ва яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари 1975 йилларда Гаевская ва Сальмановлар томонидан ишлаб чиқилган. Бунда узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқотларга асосланиб Л.С.Гаевская (1971) й. “Яйловлардан оқилона фойдаланишнинг асосий ва ҳал қилувчи омиллари:

-яйловлардан мавсумий ва йиллар аро алмашлаб фойдаланиш;
-йиллик яйлов озуқаси массасининг 65-75 % идан фойдаланиш” –деб ёзади. Бу яйловлардан фойдаланишнинг **оптимальный меъёри** деб тан олинган.

Чўлда йирик чорвачилик хўжаликлари шакилланган ва асосан ўтроқ ҳолда яйловлардан фойдаланишга асосланган яйлов хўжалигини юритишнинг ҳозирги шароитида экосистемалардан оқилона фойдаланишнинг ўзига хос қонуниятлари мавжуд бўлиб, унинг илмий асослари ишлаб чиқилган.

Яйловлардан оқилона фойдаланишнинг қуйидаги шарт-шароитларга сўзсиз таяниш лозим.

- яйловлар ҳосилдорлиги,
- яйлов озуқасининг ейилувчанлиги ва тўйимлилиги,
- яйлов озуқасидан фойдаланиш меъёри,
- фойдаланиш меъёрига қараб яйловларнинг қўй сиғими,
- майсумий фойдаланишда уларнинг давомийлиги,
- ҳайвонларнинг яйлов озуқаси билан таъминланганлик даражаси,
- яйлов алмашиниш тизимини ишлаб чиқиш,
- яйловларнинг сув билан таъминланганлик даражаси,
- яйловларни яхшилаш ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш,

- чорва моллари бош сонини мақсадга мувофиқ равишда бошқариб туриш,
- кишлоқ учун озуқа жамғариш ва ҳ.к.

Қумли яйловлардан оқилона фойдаланишнинг энг мақбул тизими Нечаева ва Мословлар томонидан ишлаб чиқилган. Бунда қумли яйловлардан самарали фойдаланиш тизими 4- яйловли алмашлаб фойдаланишга асосланган бўлиб, биринчи 2 йил мабойнида 1-инчи яйлов участкасидан фақат баҳор мавсумида фойдаланилади, 2-инчи яйлов участкасидан фақат ёз мавсумида, 3-инчи яйлов участкасидан-куз мавсумида, 4-инчи яйлов участкасидан эса қиш мавсумида фойдаланиш тавсия этилган.

1- жадвал

Қумли яйловлардан фойдаланишнинг 4 яйловли алмашлаб фойдаланишнинг содалаштирилган схемаси (Нечаева, Мосолов, 1954)

Йиллар	Ййлов участкалари			
	1	2	3	4
1-4 –чи йиллар	баҳор	ёз	куз	қиш
5-8- чи йиллар	ёз	баҳор	қиш	куз
9-12- чи йиллар	баҳор	ёз	куз	қиш
13-16- чи йиллар	ёз	баҳор	қиш	куз

Шувоқ-эфемерли гипсли чўл яйловларида баҳорги мавсумда фойдаланадиган яйлов участкаларини ҳар 4-5 йилда бир мартаба алмаштириш тавсия этилади.

2-жадвал

Шувоқли-эфемерли яйловлардан фойдаланишнинг 2-ййловли алмашлаб фойдаланиш схемаси. (Гаевская, Краснополин, 1957)

Йиллар	Ййловлар алмашиниши			
	Асосий мавсум	Қўшимча мавсум	Асосий мавсум	Қўшимча мавсум
1-5- чи йиллар	баҳор	куз	ёз	қиш
6-10-чи йиллар	ёз	куз	баҳор	қиш
11-15-чи йиллар	баҳор	куз	ёш	қиш

Бундай яйловлардан фойдаланишнинг энг самарали тизими икки мавсумли (навбатма-навбат) фойдаланиш тизими бўлиб, бу тизим яйловлар сиғимини сезирарли даражада ошириш имконини беради. Бунда фақат баҳор мавсумида фойдаланиладиган яйловларни алмаштириб туриш талаб қилинади.

Хулосалар. Ҳозирги кунда яйловлардан фойдаланиш тизимига ва яйловлардан оқилона фойдаланиш қонун-қоидаларига эътибор бермай пала партиш фойдаланиб келинмоқда. Натижада яйловдаги озуқабоп ўсимлик турларининг йўқолиб кетиши, яйлов ҳосилдорлигининг камайиши, яйловларда деградициянинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу яратилган тавсияда қайд этилган, яйловларнинг озуқаси ҳосилдорлигини мавсумлар бўйлаб

аниқлаш, ҳар бир хўжаликда чорва ҳайвонларининг мавжуд бош сонига мувофиқ яйловлардан турли мавсумларда фойдаланиш режасини тузиш, яйловларнинг қўй сиғимини аниқлаш ва яйловлардан оқилона фойдаланишда, алмашлаб фойдаланишнинг энг мақбул услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойлаланлган адабиётлар рўйхати.

1. Ашурметов О.А., Каршибаев Х.К. Семенное размножение бобовых растений в аридной зоне Узбекистана. Ташкент, 2002.-204 с.
2. Гриценко В.В., Калошина З.М. Семеноведение полевых культур. М., Колос, 1976.-254 с.
3. Гаевская Л.С., Сальманов Н.С. Пастбища пустынь и полупустынь Узбекистана и пути их рационального использования. Изд. "ФАН" Уз ССР, Ташкент -1975. С.138.
4. Гаевская Л.С., Краснополин Е.С. Влияние выпаса на пастбища предгорной полупустыни М., изд. Минсовхоз СССР, 1957 б.
5. Нечаева Н.Т., Мослов И.А. Основные положения и методика составления планов использования пастбищ с пастбище оборотами в овцеводческих колхозах и совхозах Туркменистана. Ашхабад, Изд-во АН ТуркмССР, 1954.
6. Демьянова Е.Н. Антэкология саксаульников каменистых пустынь Юго-Восточного Казахстана.-Экология, 1975, вып. 1, с.73-84.
7. Демьянова Е.И., Зутенина Н.А. К экологии цветения и опыления терескена серого (*Ceratoides papposa* Votsch. et Koonnikov) В кн.: Экология опыления. Пермь, 1978, с. 51-56.
8. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М., Колос, 1979.-416 с.
9. Ионесова А.С. Физиология семян дикорастущих растений пустыни. Ташкент, 1970.- 151 с.